

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

315 Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Кадрлар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 июль,
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар
таълими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Умумий ўрта таълим негизида ўқитиш муддати уч йил бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари тизими ўрта махсус, касб-хунар таълими мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур ташкилий, ўқув-методик, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайдиган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан иборат бўлади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қилади.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари юридик шахслар ҳисобланади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўз уставига, мустақил балансига, Молия вазирлигининг Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида шахсий ҳисоб рақамларига (давлат таълим муассасалари учун), ҳисобкитоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган муҳрга, бурчакли штампга ва бланкаларга эга бўлади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг устави қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

4. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг муассислари бўлиши мумкин.

Нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва нодавлат юридик шахслар томонидан ташкил этилади.

II. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади ва вазифалари

5. Ўқувчиларни соҳа бўйича пухта, табақалаштирилган ҳолда ўқитиш, уларнинг интеллектуал камол топишини ва уларнинг қобилиятлари ва касбларга мойиллигига мувофиқ равишда танлаган мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар ўрта махсус, касб-хунар таълимининг вазифалари ҳисобланади:

умумтаълим мактаблари 9-синфларини битирувчиларнинг сифатли мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълимидан фойдаланишини таъминлаш;

шахснинг изчил интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

ёшларни миллий ғояларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқарашга ва фикрлашга эга бўлган маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш;

ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириши ёки танлаган касб ва ихтисосликка мувофиқ меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун уларнинг юқори даражада сифатли билимлар олишини ва касбий тайёргарлигини таъминлайдиган давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурларини амалга ошириш;

иктисодиёт тармоқларини, маъмурий-ижтимоий соҳани зарур йўналишдаги ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлган кадрлар билан энг юқори даражада таъминлаш.

III. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишининг умумий шарт-шароитлари

7. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва географик шароитларини, меҳнат бозорининг тегишли соҳа мутахассисларига бўлган талабини, уларни ўқувчиларнинг асосий яшаш жойларига мумкин қадар яқин жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бошқа жойлардан келган ўқувчилар учун, имкониятга қараб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳузурида уларни оиласидан алоҳида яшаши учун етарли уй-жой-маиший шароитлар билан таъминлайдиган ётоқхоналар ташкил этилади.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш уч йил муддат билан, кундузги шаклда амалга оширилади.

8. Академик лицей давлат таълим стандартига мувофиқ ўрта махсус маълумот беради, гуманитар ва табиий-илмий йўналишлар бўйича интенсив интеллектуал ривожланишни, соҳа бўйича пухта табақалаштирилган ўқитишни таъминлайди.

Академик лицейларда ўқитиш олий таълим муассасалари бакалавриати талабаларининг салоҳиятли контингентини шакллантиришга йўналтирилган.

Академик лицейларга ўқишга киришда ўқувчилар ўз имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда гуманитар ёки табиий-илмий таълим фанлари ва курсларини пухта ўзлаштириш йўналишини ихтиёрий равишда танлайдилар.

Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг узвийлигини яхшилаш мақсадида давлат академик лицейлари ўзаро муносабатлари уларнинг уставларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинадиган соҳага оид олий таълим муассасаларига биркитилади.

Соҳа бўйича пухта, табақалаштирилган ҳолда ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари академик лицей устидан патронатни амалга ошириши мумкин.

9. Касб-хунар коллежи Давлат таълим стандарти доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради, ўқувчиларнинг касбий мойилликлари, маҳорати ва кўникмаларининг пухта ривожланишини, танланган касблар бўйича мутахассисликларнинг кенг қўламига эга бўлишини таъминлайди.

Касб-хунар коллежлари мутахассислар тайёрлашнинг тури ва соҳасидан келиб чиққан ҳолда классификация қилинади.

Касб-хунар коллежларида касбий тайёргарлик йўналишлари республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тайёрлаш, касблар ва мутахассисликлар йўналишлари классификаторига мувофиқ белгиланади.

Касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш сони ва касб-хунар коллежлари соҳасини қайта ўзгартириш имконияти меҳнат бозорининг у ёки бу соҳа кадрларига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Иқтисодий тармоқлари ва маъмурий-ижтимоий соҳанинг кадрларга бўлган талабини энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, зарур соҳа ва таълим даражаси бўйича кадрлар тайёрлашни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Касб-хунар коллежида таълим ва касб-хунар дастурларини бажариш корхоналар ва касб-хунар коллежлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади.

Касб-хунар коллежлари учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралари, иқтисодий барқарор корхоналар орасидан васийлар аниқланади, улар иш берувчилар билан шериклик муносабатлари ривожлантирилишини таъминлайдилар, ўқувчиларнинг корхоналарда, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга, кейинчалик битирувчиларни ишга жойлаштиришга, шунингдек касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва ресурс базасини мустаҳкамлашга, ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашадилар.

Имкониятлари чекланган ўқувчиларни ўқишда ва касб-хунарни эгаллашда тенг имкониятлардан фойдаланишини таъминлаш учун имкониятлари чек-

ланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ташкил этилади.

Мамлакатимизда спортнинг олимпиада ва миллий турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт ва спорт резерви соҳасида юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадида олимпиада резерви коллежлари ташкил этилади.

Ривожланган ўқув-методик ва моддий-техник базага, юқори малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерларига эга бўлган етакчи касб-хунар коллежлари негизида узоқ жойлардаги соҳага оид касб-хунар коллежлари орасидан филиалларга эга бўлган бирлашган (базавий) касб-хунар коллежлари ташкил этилади.

Бирлашган коллежларнинг филиаллари, қоидага кўра, маъмурий марказлар ва йирик шаҳарлардан узоқда жойлашган, мутахассислар тайёрлашнинг соҳа йўналиши бўйича ўхшаш бирлашган коллежга эга бўлган касб-хунар коллежлари орасидан танланади.

Ўқувчиларни соҳа бўйича пухта, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, уларнинг интеллектуал камол топишини, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбияланишини таъминлаш мақсадида ҳарбий академик лицейлар ташкил этилади.

Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларини, олимпиада резерви коллежларини, бирлашган (базавий) касб-хунар коллежларини ва уларнинг филиалларини, ҳарбий академик лицейларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан белгиланади.

10. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ва ходимларига ижтимоий кафолатлар, қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар қонун ҳужжатлари, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси устави билан белгиланади.

11. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини лицензиялаш ва аккредитация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Ўқувчиларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш

12. Шаҳарлар ва туманлар бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг умумий параметрлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, умумтаълим мактаблари 9-синфлари битирувчиларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилиш параметрлари Ўзбекис-

тон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

13. Ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш 9 йиллик умумий ўрта таълим негизида, умумтаълим мактабини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги шаходатномалар асосида, уларнинг академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиш йўналишини ихтиёрий танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

V. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

14. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглари таркиби, иш бевувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчилар) ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

15. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида:

умумтаълим ва касб-хунар дастурларини бажариш уч йил ўқитиш мобайнида амалга оширилади;

ўқувчилар ўқитиш курслари бўйича гуруҳларга, ўқитиш йўналиши бўйича эса — бўлимларга бирлаштирилади;

гуруҳларни тўлдириш, қоидага кўра, 30 нафаргача ўқувчилар доирасида белгиланади, ўқувчиларнинг ўқув юкмаси ва бошқа ўқув-тарбия жараёнини рационализациялаш масалалари ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартига мувофиқ аниқланади;

ўқув йили 2 семестрга бўлинади, ўқувчилар учун ҳар бир ўқув йилида жами камида 10 ҳафта ва кўпи билан 12 ҳафта давом этадиган таътиллар белгиланади.

16. Ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари Давлат таълим стандарти билан белгиланадиган қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

умумтаълим дастурлари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун;

ўқитиш фанлари ва йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган, соҳага оид таълим дастурлари ва ихтисослаштирилган дастурлар — академик лицейлар учун;

ўқитиш йўналишлари бўйича умумтехника касб-хунар дастурлари ва махсус дастурлар — касб-хунар коллежлари учун.

Имкониятлари чекланган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими

маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими махсус дастурлари ишлаб чиқилади.

17. Ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш қўйидаги рейтинг назорат тартиб-қоидалари амалга оширилишини назарда тутати:

жорий назорат — сўровлар, семинарлар, назорат ишлари ва тестлари тарзида билимлар, маҳоратлар ва кўникмаларни текшириш;

оралиқ назорат — семестр тугагач ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангач имтиҳонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида амалга оширилади;

яқуний назорат — академик лицейда ва касб-хунар коллежида ўқитиш тугагач давлат аттестацияси — имтиҳонлар, тестлар, малакавий ишлар, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

18. Ўқитиш курсини тамомлаш яқунлари бўйича, рейтинг назорати ва аттестацияси натижалари асосида ўқувчини навбатдаги курсга ўтказиш ёки ўқитишнинг такрорий йилига қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ўқувчини курсдан-курсга ўтказиш ёки ўқитишнинг такрорий йилига қолдириш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директорининг буйруғи билан амалга оширилади. Курсдан-курсга шартли равишда ўтказишларга йўл қўйилмайди.

19. Ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг бир типидан бошқасига ўтказиш, ўқишга тиклаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш касб-хунар таълимининг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳамкорлиги асосида қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхоналарда тизимли асосда ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек иш берувчиларни ўқув жараёнига, тармоқ таълим стандартларини ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишга жалб этиш;

илмий-тадқиқотлар натижаларини янги ахборот ва педагогик технологияларни ўзлаштириш учун экспериментал майдончалар ташкил этиш орқали ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

ўқитишни ташкилотларда ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш, касб-хунар коллежларида қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиш учун базалар билан таъминлаш асосида малакали кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашнинг дуал тизимини ривожлантириш;

алоҳида мутахассисларни, ўқув гуруҳларини мақсадли тайёрлашни молиялаштиришда, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техника ва ресурс базасини мустаҳкамлашда, шунингдек таълим муассасаларини замонавий анжомлар, аппаратуралар ва ускуналар билан жиҳозлашда, академик лицейлар ўқувчиларига амалий билимлар олиши учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини

беришда корхоналар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларнинг ихтиёрий (ёки тузилган шартномалар асосида) қатнашиши;

ўқувчиларни товар маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда меҳнат фаолиятига ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларга келгусида улардан ишлаб чиқаришда ва битирувчилар-ишлаб чиқувчиларнинг жойларда тақдим этилган лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиши эҳтимоли учун диплом ишланмалари мавзулари рўйхатини беришда корхоналар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларнинг қатнашиши;

бевосита ишлаб чиқаришда муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда юқори малакали мутахассислар — ишлаб чиқарувчиларнинг ўқувчиларни ўқув-касбий тайёрлашда қатнашиши.

21. Давлат ва нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари давлат таълим стандартига мувофиқ қўшимча таълим хизматлари олиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини бошқаришда унинг уставида белгиланган шаклда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

22. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига:

а) Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ:

академик лицейлар учун — таълим йўналиши ихтисослиги бўйича фанлар;

касб-хунар коллежлари учун — ўрта махсус, касб-хунар таълими касблари ва мутахассисликлар тайёрлаш йўналишлари классификаторларига мувофиқ малака даражаси, эгалланган касб ва унга қўшимча мутахассисликлар кўрсатилган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Дипломларга ўзлаштирилган умумтаълим ва махсус (касбий) фанлар (курслар), соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар (рейтинг), шунингдек битирувчининг умумий рейтинги ва якуний давлат аттестацияси натижалари кўрсатилган ҳолда киритма варақча илова қилинади.

23. Давлат аттестациясидан ўтмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига таълим даражасига ва такрорий давлат аттестациясига 3 йил мобайнида талаб қўйилмайдиган ишга жойлашиш ҳуқуқини берадиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

24. Академик лицей ва касб-хунар коллежини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом олий таълим муассасасига кириш ёки эгалланган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

25. Касб-хунар коллежи манфаатдор вазирликлар ва идоралар, иш берувчилар, меҳнат ва аҳоли бандлиги органлари билан ҳамкорликда пулликонтракт асосида:

а) ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлмаган шахсларни умум-

таълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари касбий тайёргарликка эга бўлишлари учун ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари бўйича;

б) иккинчи мутахассисликни олишни хоҳловчи ўрта махсус, касб-хунар маълумотли шахсларни ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари бўйича ўқитиши мумкин (бўш ўқув майдонлари, зарур ресурс таъминоти ва ўқитувчи кадрлар мавжуд бўлган тақдирда).

VI. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ташкилий тамойиллари

26. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигига кўмаклашиш касб-хунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳоли бандлиги органлари, васийлар, тармоқ вазирликлари, идоралари, корхоналарининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигига кўмаклашиш:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, ўқувчилар ва иш берувчилар ўртасида белгиланган тартибда уч томонлама шартномалар тузиш;

янги иш ўринлари яратиш ишларини ташкил этишда шаҳар аҳамиятига эга бўлган ва бошқа йирик корхоналар иштирокида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун иш ўринларининг касбий таркибини аниқлаш;

иш берувчиларни ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этган ҳолда иш ўринларининг мунтазам ярмаркаларини ўтказиш;

битирувчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиш мақсадида улар учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий органлари иштирокида бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва ўзини ўзи иш билан банд этиш даражасини ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;

битирувчилардан у ёки бу йўналишда фойдаланиш бўйича имтиҳон олувчи профессионал комиссиялар, васийлар, бошқа иш берувчиларнинг тавсияларини бериш;

битирувчиларни ишга жойлаштиришга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга доир тадбирларни бажариш йўли билан амалга оширилади.

27. Касб-хунар коллежлари, ўқувчилар ва иш берувчилар ўртасидаги уч томонлама шартномаларни тузиш, қайта тузиш ўқувчилар таълим олишининг бутун даври жараёнида, шунингдек оралиқ ва давлат аттестацияси якунлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

28. Битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш олий таълим муассасаларига кирган, мамлакат ташқарисига чиқиб кетган, меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисида тиббий хулосага эга бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа узрли сабаблар бўйича контингент истисно этилган

холда ҳар бир касб-хунар коллежи, ҳар бир туман ва шаҳар, аниқ эгалланган касб бўйича амалга оширилади.

29. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан статистика органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади.

VII. Педагог кадрлар

30. Белгиланган талабларга мувофиқ тегишли олий маълумотга эга бўлган шахслар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Суднинг қарори билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишлаши тақиқланган шахсларнинг уларда ишлашига йўл қўйилмайди.

31. Профессор-ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар таркибини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар таркибининг ўқув-педагогик юклагаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

33. Ўқитувчиларнинг (ўқув фанлари ва соатлар бўйича) бошқа ўқитувчилар ўрнида ишлаши тартиби тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

34. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар таркибини даврий аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

35. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари маъмурияти ўқитувчилар ва муҳандислар-педагогларнинг педагогик, касбий ва психологик маҳоратини доимий такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун жавоб беради.

36. Ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

VIII. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини бошқариш

37. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ташкилий ва ўқув-методик раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув, таълим ва касб-хунар дастурларини бирхиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

Тармоқ вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотларнинг касб-хунар коллежлари икки томонлама бўйсунишда бўладилар.

Тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўрта махсус, касб-хунар коллежларини моддий ва молиявий таъминлайдилар, ўқувчиларда касбий ва амалий кўникмаларни шакллантирадилар, битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун базалар билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ва тайёрлашнинг эгалланган ихтисослиги бўйича улар меҳнатидан фойдаланиш масалаларини ҳал этадилар.

38. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошчилик қилади. Директор ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг фаолияти натижалари учун шахсан жавоб беради.

39. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори ҳузурида коллегиял орган ҳисобланган педагогик кенгашлар ташкил этилади.

Педагогик кенгашнинг функциялари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси уставида белгиланади.

40. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тармоқ вазирликлари, идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қонун ҳужжатлари ва устав асосида иш кўрувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўз ичига оладиган васийлик кенгашлари тузилади.

IX. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулки ва молия-хўжалик фаолияти

41. Давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ўзининг молия-хўжалик фаолиятини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади. Давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг маблағлари;

пулли таълим хизматлари кўрсатишдан, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш фаолиятдан ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг уставда қайд этилган вазифаларига мувофиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар;

хайрия эҳсонлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

42. Нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолияти: муассисларнинг маблағлари;

нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун тўланадиган тўлов;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ва мақсадли бадаллари, васийларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўланадиган тўлов миқдори шартномада белгиланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

43. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ходимларининг иш ҳақи, сифатли фаолият учун уларни рағбатлантириш миқдори ва иш ҳақига бошқа қўшимча ҳақлар қонун ҳужжатларига ва уставларга мувофиқ белгиланади.

44. Давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг мол-мулки унинг тезкор бошқарувида бўлади ва улардан фақат уставда қайд этилган вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг устахоналари, лабораториялари ва бошқа объектларининг жиҳозланганлиги жиҳозлашнинг намунавий нормативлари билан белгиланади.

Давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг объектлари ва мол-мулкидан ўқув жараёни даврида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг мол-мулкидан самарали ва мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбари тўлиқ жавоб беради.

45. Нодавлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини моддий-техник таъминлаш муассислар томонидан, давлат таълим муассасалари учун Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи намунавий нормативлардан паст бўлмаган миқдорларда амалга оширилади.

46. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси молия ва статистика ҳисоботини юритади ҳамда уни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тегишли органларга тақдим этади.

47. Давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Х. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ўқув машғулотларига қатнашиши

48. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ўқув машғулотларига қатнашиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, мажбурий ҳисобланади.

49. Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши ва ўқитувчиларга юкламани самарали тақсимлашни назорат қилиш учун бир йилда камида икки марта (ўқув семестрлари тугаллангандан кейин) даврий мониторинг ўтказилади.

50. Мониторинг академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари жойлашган жой бўйича ташкил этиладиган Идоралараро махсус гуруҳлар томонидан (кейинги ўринларда махсус гуруҳ деб аталади) амалга оширилади, уларнинг таркиби ва раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

51. Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши мониторинги:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари томонидан ҳар ойда 5-кундан кечикмай умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тегишли ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига тақдим этиладиган ахборот;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан ҳар ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳисобот даври учун махсус гуруҳларга тақдим этиладиган умумлаштирилган ахборот;

махсус гуруҳлар томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ёки алоҳида олинган ўқув гуруҳларида ўтказиладиган режали ва танлаб текширишлар асосида олиб борилади.

Тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгарлик тегишли ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директорига юкланади.

52. Махсус гуруҳ томонидан белгиланган жадвал бўйича ўтказиладиган текширишлар якунларига кўра ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши даражаси 90 фоиздан паст эканлиги аниқланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида:

кейинги 3 — 5 кун мобайнида давоматнинг қўшимча текширишлари ўтказилади;

ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши рейд текширишлари йўли билан бир йилда камида икки марта қўшимча равишда ўрганилади, ўрганиш асосида ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашмаслиги сабаблари ўрганилади.

Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши даражаси 70 фоиздан пастни ташкил этадиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус гуруҳ томонидан доимий асосда давомат мониторинги амалга оширилади.

53. Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши мониторингини амалга ошириш мақсадида ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланадиган шакл бўйича Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши мониторинги дафтари (кейинги ўринларда Мониторинг дафтари деб аталади) юритилади.

Мониторинг дафтари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади. Мониторинг дафтарида акс эттирилган ахборотнинг ишончлилиги учун тегишли махсус гуруҳ раҳбари масъул ҳисобланади.

Мониторинг дафтарига режали ва танлаб текширишлар давомида махсус гуруҳ томонидан аниқланган маълумотлар, шу жумладан ўтказилган режали ёки танлаб текширишлар санаси ва вақти, ўқув гуруҳи рақами, ўқув фанининг номи, ўқитувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, рўйхат бўйича ўқувчилар сони, машғулотда ҳозир бўлган ўқувчиларнинг амалда мавжудлиги, сабаблари кўрсатилган ҳолда машғулотда қатнашмаганлар рўйхати киритилади. Аниқланган маълумотлар махсус гуруҳнинг раҳбарлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директори имзолари билан тасдиқланади.

54. Мониторинг яқунлари бўйича:

махсус гуруҳлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши даражасини ошириш, кам сонли ўқув гуруҳларини бирлаштириш, ўқитувчиларнинг юкчасини ўзгартириш ҳисобига бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ва тавсияларни тайёрлайдилар ҳамда кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига киритадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази:

ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашмаслиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, сабабларининг олдини олувчи шарт-шароитлар яратиш;

ўқитувчиларнинг ўқув юкчасини (тарификацияни) тегишли равишда қисқартирган ҳолда кам сонли ўқув гуруҳларини бирлаштириш;

ўқитувчиларнинг ўқув юкчаси (тарификацияси) қисқариши муносабати билан тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тадбирларини амалга ошириш бўйича қўшма қарор қабул қилинади.

XI. Яқунловчи қоидалар

55. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий фуқароларни ўқитиши мумкин.

56. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, қоидага кўра, ўқув йили тамом бўлгандан кейин амалга оширилади, бунда тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасига ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишилган ҳолда ўқувчилар бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўтказилганлиги учун жавобгарлик юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 18-модда) ва қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2007 йил 7 июлдаги 139-сон қарори (Вазирлар Маҳкамасининг «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолияти тўғрисида» 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 17 февралдаги 21-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 7-модда) 7-банди ва қарорга 6-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 55-модда) илованинг 5-банди (Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорлари).